



Самарқандда ШХТнинг Хотин-қизлар форуми ўтказилади

Олий Мажлис Сенатининг 2022 йил 5 июлдаги қарорига кўра, 2022 йилнинг 18-19 август кунлари Самарқанд шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги Хотин-қизлар форуми ўтказилади.

Вилоят ҳокимининг 2022 йил 22 июлда қабул қилинган фармойишида мазкур форумга ташкилотчи қўриш ва уни юксак савияда ўтказиш билан боғлиқ вазифалар белгиланди.

Жумладан, форум ўтказиладиган жойда хунармандчилик ва халқ амалии санъати кўргазмалари ташкил этилади.



ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН КУРАШАЙЛИК!

Шу кунларда вилоятимизда мазкур шиор остидаги тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита, Ўзбекистон Муслмонлари идораси, вилоят ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирларда пойтахтдан келган диншунос олимлар ва уламолар, зиёлилар иштирок этмоқда.

Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида шаҳар ва Жомбой тумани сектор раҳбарлари, таълим ва тиббиёт муассасалари масъуллари, маҳалла фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилган шундай тадбирда Дин ишлари бўйича кўмита раиси ўринбосари Илҳом Маъруфий маъруза қилди.

Маърузачи бугун дунёдаги вазият, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамлик ва бунинг асоси бўлган диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликнинг таъминланганлиги ҳақида сўз юритди. Шунингдек, учрашувда ёшлар таълим-тарбияси, уларни турли ёт мафқуралар таъсиридан асраш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Инсон учун энг олий неъматлар – саломатлик ва тинчлик, – дейди Самарқанд шаҳридаги 73-мактаб директори ўринбосари

Дилрабо Вафоева. – Маъруза аввалида шу икки тушунча хусусида сўз борди. Уларнинг қадрига етиш қанчалар муҳимлиги мисоллар билан тушунтирилди. Шунингдек, мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлигининг фарзанд тарбиясидаги аҳамияти катта эканлиги айтилди. Бу борада амалга ошираётган ишларимизни янада жонлантиришимиз зарурлигини аналгадик.

Самарқанд шаҳридаги 14-умумий ўрта таълим мактаби фаоллар залида ота-оналар, ҳудуддаги маҳаллалар фаоллари иштирокида ташкил этилган тарғибот тадбирида ҳам Ўзбекистон Ислоҳ академияси докторанти Давронбек Бобоназаров ота-оналарга бугунги кунда фарзандлар таълимига хавф солаётган иллатлар ҳамда улардан ҳимояланиш нечоғли муҳимлигига эътибор қаратди. Ана шундай иллатларнинг аянчли оқибатлари акс этган видеоролик намойиш этилди.

Вилоятдаги жоме масжидларда ушбу мавзуда ўтказилган учрашувларда юртимизнинг таникли имомлари ва уламолар иштирок этмоқда.

Хусусан, Самарқанд шаҳридаги "Хўжа Исҳоқ Вали" масжидида бўлиб ўтган маърифий суҳбатда Ўзбекистон Муслмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназаров иштирок этди ва жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, иймон-эътиқодли, диёнатли бўлиш ҳақида маъруза қилди.

Тўлқин СИДДИҚОВ,
Фазлидин РЎЗИБОВЕВ (сурат).

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарори билан тасдиқланган режага мувофиқ, ўзини ўзи бошқариш органлари раисларининг янги тизим бўйича ишларини ташкиллаштириш юзасидан ўтказилаётган ўқув-семинарлари давом этмоқда.

Раис ишласа

фуқаро юқори идораларга мурожаат қилмайди

Кеча ўқув-семинарнинг тўртинчи босқичи бошланди. Унда вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов Тойлоқ, Самарқанд, Нуробод ва Паст Даргом туманларидан келган 200 нафар тингловчи билан учрашиб, маҳалла раислари олдидаги муҳим вазифалар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат органлари билан ҳамкорлик масалалари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирди. - Ўз маҳалласидаги фуқароларнинг дардини ва муаммоларини тингламайдиган маҳалла раиси ишламайдиган раис ҳисобланади, - деди вилоят ҳокими. - Маҳаллада раис ишласа, фуқаро ҳеч қачон юқори ташкилотларга мурожаат қилмайди. Маҳалла раиси бугунги кунда жангчи бўлиши керак, жангчининг асосий мақсади ғалаба бўлса, маҳалла раислари ҳам ғалаба томон интилиши лозим. Шунингдек, маҳаллабай ишлаш тизими, маҳалла раисларининг асосий фаолият йўналишлари бўйича ишларни самарали ташкил этиш, аҳоли билан ишлаш борасидаги билим, малака ва тажрибаларини оширишнинг бугунги жараёндаги аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Сўлаймон МАРДИЕВ.

Бутунжаҳон жамиятининг олтинчи халқаро конгресси яқунланди



Аввал хабар берганимиздек, 22 июль кунин Самарқандда Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда ўндан ортиқ халқаро ва бешта миллий ташкилот кўмағида ташкил этилган Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва омаллаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятининг "Ўзбекистон маданий мероси – янги Ренессанс пойдевори" VI Халқаро конгресси яқунланди.

Уч кун давом этган конгрессда "Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида" туркумидаги 10 та янги китоб-альбом тақдими бўлиб ўтди. Шунингдек, 35 дан ортиқ давлатдан келган шарқшунос олимлар Ўзбекистон ва Марказий Осиё халқлари меросига оид маърузалари билан иштирок этди.

Конгрессда сўзга чиққан хорижлик экспертлар Самарқанднинг маданий мерос борасидаги аҳамиятини алоҳида қайд этди.

Хусусан, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Сара Ношади халқаро конгресс иштирокчиларига мурожаат қилди.

Ўз нутқида маданий меросни ўрганиш, асраб-авайлаш ва омаллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларни юқори баҳолади. Муҳими, Самарқанднинг маданий меросини асрашга қўшган ҳиссаси юқори эканлигини таъкидлади.

Конгрессда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Туризм ва маданий мерос вазири Азиз Абдуҳақимов иштирок этди.

Ф.РЎЗИБОВЕВ.

Сув танқислигидан азият чекаётган фермерга ёрдам кўрсатиладиган бўлди

Вилоят ҳокимининг Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасида ўтказиладиган тадбиркорлар қабулига ўтган ҳафта давомида 25 та мурожаат келиб тушган. Қабулгача деярли барча мурожаатларга тегишли ташкилот ва идоралар томонидан ечим топилган. Саволига тўла жавоб ололмаган бир неча тадбиркор кеча вилоят ҳокими билан учрашиб, масаласини билдирди.

Ургут туманидаги Ваткан-Қўзибек маҳалласидаги "Нурбек Даврон обод" фермер хўжалиги раҳбари сув танқислиги тўғрисида 300 гектар майдондаги ҳосил нобуд бўлиши, 500 нафар аҳоли ишсиз ва даромадсиз қолиши мумкинлигини билдирди. Хўжалик раҳбари бу борада Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси туман бўлимига қилган мурожаатлари эътиборсиз қолдирилгач, вилоят ҳокимига мурожаат қилиш-

га мажбур бўлганини билдирди. Вилоят ҳокими фермер хўжалиги бошлиғининг мурожаатига беэътибор бўлган масъулларни танқид қилди. Ҳолат юзасидан масалага ижобий ечиб топиб, ёрдам кўрсатиш бўйича муддат белгиланди.

Сайёр қабулга ёзилган ишбилармонлар билан биргаликда фуқаролар ва тадбиркорлик қилиш истагидаги аҳолининг ҳам фикрлари тингланди.

➤➤ Ўзини ўзи бошқариш

Маҳаллада кимлар ишляпти?

Янги лавозимлар, катта ваколат тизим тегирмонига сув қуя олдимиз?



2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг биринчи мақсади маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлишига айлантиришга қаратилган. Айни вазифадан келиб чиқиб, тизим қайта ислоҳ қилиниб, маҳалла раисининг ваколатлари янада кенгайтирилди, ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ҳамда ёшлар етакчиси лавозимлари жорий этилди. Каттақўрғон тумани ва шаҳридаги маҳаллалар мисолида бу ислохотлар самаралари билан танишидик.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

Тиббиёт ходимлари шарафига мемориал мажмуа очилди

Самарқанд давлат тиббиёт университетида COVID-19 пандемияси даврида халқимиз саломатлиги йўлида жонини фидо қилган тиббиёт ходимлари шарафига мемориал мажмуа очилди.

Мажмуанинг тантанали очилиш маросимида Соғлиқни сақлаш вазири Б.Мусаев, вилоят соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, университет профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Б.Мусаев коронавирус пандемиясига қарши курашда тиббиёт ходимларининг меҳнати ва кўрсатган қаҳрамонликлари, халқимиз саломатлиги йўлидаги фидойи меҳнати барча учун жасорат намунаси бўлганини таъкидлади.

Коронавируснинг республикамизга кириб келиши билан халқимиз саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилган ва бу курашда жон берган шифокорларимиз жасорати таҳсинга лойиқ, - деди университет ректори Жасур Ризаев. - "Оқ халати



қаҳрамонлар" деб номланган ушбу барельеф юксак эҳтиром сифатида улар хотирасига бағишлаб яратилди. 2020 йилдан бери коронавирус касаллиги билан курашган шифокорлар вилоятимизда 3996 нафарни ташкил қилди. Афсуски, ўтган даврда коронавирус билан касалланган 16 нафар тиббиёт ходими вафот этди.

Одилбек АҲМЕДОВ.

"Дафтар"лардаги хотин-қизлар ва ёшлар ўқув курсларида бепул ўқитилади

Шу йилнинг 22 июль кунин Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Унга кўра, ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш дастурларида иштирок этувчи нодавлат таълим ташкилотларининг электрон реестрига киритилган нодавлат таълим ташкилотлари, профессионал таълим муассасалари ҳамда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг касб-хунар ўргатувчи ўқув курсларига йўналтирилган ёшлар ва хотин-қизлар учун Маҳаллабай

ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан уч томонлама шартнома асосида ўқув курслари қийматининг 70 фоизи, бироқ 1 миллион сўмдан ошмаган қисми компенсация қилиб берилди.

"Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" ва "Темир дафтар"га киритилган ёшлар ва хотин-қизларни Олий мактаб томонидан ўқитиш ишлари

тўлиқ бепул амалга оширилади; нодавлат таълим ташкилотлари, профессионал таълим муассасалари ҳамда Олий мактабнинг касб-хунар йўналиши бўйича ўқув курсларини яқунлаган ишсиз хотин-қизлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан мавжуд бўлиш шартининг қўйиладиган бўлиши таъкидланди.

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси томонидан меҳнатга лаёқатли, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни иш билан таъминланган иш берувчилар учун 6 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваридан

➤➤ Президент қарорига кўра

кам бўлмаган миқдорда субсидия ажратилади.

"Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" ва "Темир дафтар"га киритилган фуқаролар, биринчи навбатда, хотин-қизларга ҳоким ёрдамчиси таъясига асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг "Саховат ва кўмак" жамғармаси ҳисобидан нодавлат таълим ташкилотлари ва профессионал таълим муассасаларининг ўқув курси қийматининг қолган 30 фоиз қисми Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳудудий бошқармаси, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи, тегишлилиги бўйича нодавлат таълим ташкилотлари ёки профессионал таълим муассасалари ва фуқаро ўртасида шартномага мувофиқ олдидан тўлаш орқали қопаб берилди.



Маҳаллада кимлар ишляпти?

ЯНГИ ЛАВОЗИМЛАР, КАТТА ВАКОЛАТ ТИЗИМ ТЕГИРМОНИГА СУВ ҚУЯ ОЛДИМИ?

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

РАИС АҲОЛИНИНГ ДАРДУ ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАЙДИ

Бугун маҳалла бошқарув бўғинига, оқсоқоллар лавозимига бир қатор янги ваколатлар берилди. Хусусан, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда маҳаллалар ваколатларини кенгайтириш, бу борада унинг молиявий имкониятларини ошириш, маҳалладан туриб, барча давлат органларига мурожаат қилиш, раҳбарлар билан мулоқот қилиш тизимини яратиш ҳамда давлат органлари ва маҳаллалар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни таъминлаш назарда тутилган. Шу билан бирга, уларга масъулият ҳам юкланди. Хусусан, маҳалла ободлиги, аҳолининг иқтисодий аҳолидан доимий хабардорлик ва зарур пайтда кўзда тутилган манбалардан ижтимоий ёрдамлар ажратиш маҳалла раисининг бевосита вазифаси этиб белгиланди.



Каттакўрғон туманидаги "Мундиён" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мухтор Тоҳиров ишинг кўзини биладиган, фаол оқсоқоллардан бири.

— 30 йилдири, шу тизимда ишлайман, — дейди Мухтор ака. — Маҳалламизда 1700 дан ортиқ хонадон бор. Ҳар бирида яшовчи фуқароларни танийман, аҳолидан хабардорман. Ҳукуматимизнинг кўмаги билан кам таъминланган, ижтимоий дафтларга киритилган оилаларнинг яшаш шароитини яхшилаш чораларини кўряпмиз. Жумладан, "Аёллар дафтари"га киритилган 45 нафар хотин-қизга тикув машинаси, 7 та кам таъминланган оилага 10 бош қўй, 4 та хонадонга 4 қўтидан асалари, 4 нафар фуқарога эса субсидия асосида мотокультиватор олиб берилди.

Маҳалла ҳудудини ободонлаштириш ишлари ҳам эътибордан четда қолмаган. Жорий йил унинг 9 километр ички йўли асфальт қилинган бўлса, қолган барча ички кўчаларга шағал тўшалган. Маҳалла ҳудудидан ўтган асосий йўлга ёритиш чироклари ўрнатилиб, 3 километр масофада пиёдалар йўлагига ётқизилди.

Айтиш жоизки, маҳалланинг ўсиш нуқтаси узумчилик ҳисобланади. Қайси хонадонга кирманг, аҳоли вояиш усулида узум етиштираётганига гувоҳ бўласиз.

72 ёшли Насриддин Убайдуллаев узумчиликнинг сир-асрорларини чуқур эгаллаган бодобеконлардан. У 20 сотих томорқасида 100 туپ ток парварши қиляпти.

— Томорқамда узумнинг ўндан зиёди навини парваршиляпман, — дейди отахон. — Кенжа фарзанди билан бирга яшаймиз. Шу томорқадан келадиган даромад ортидан тўйлар қилдик, машина олдик. Ўтган йили 80 миллион сўм даромад қилдик. Бу йил ҳосил яхши, 100 миллион сўм фойда олишни мўлжаллаб турибмиз. Кўчатчиликка ҳам қўл урдим. Токлар орасида ниҳоллар етиштиряпмиз. Маҳалланинг ишсиз ёшларига узумчилик сирларини ўргатяпман.

— Маҳалламизда ишсизлик юқори бўлмасда, хотин-қизларга мос иш топишда муаммомиз бор, — дейди маҳалла раиси. — Масъуллар ҳудуддаги бўш турган коллеж биносидан тикув фабрикаси ташкил қилинишини айтишган эди. Аммо негадир бу иш амалга ошмади. Ҳозир ишсиз хотин-қизларни "Устоз-шоғирд" анъанаси асосида моҳир тикувчиларга бириктиряпмиз. Аммо маҳалламизда фабрика ишга тушса, ўзини ўзи банд қилганлар ҳам доимий даромадли ишга эга бўларди. Маҳалланинг кучи бирликда, бу мақсадимизга ҳам биргаликда эришамиз.

МАҲАЛЛАНИ ПИЁДА АЙЛАНИБ ИШЛАЁТГАН ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ

Жорий йилдан маҳаллаларда иш бошлаган ҳоким ёрдамчиларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги "Маҳаллада тадбиркорликни

ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан кўрсатиб ўтилган тартибда амалга оширилади. Ушбу қарор билан маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни хонадонбай ўрганиш, оилаларнинг даромад манбалари, ишсиз аҳолини, ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўргатувчи ўқув марказларига йўналтириш ва бандлигини таъминлашга ёрдам бериш, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар олишда кўмаклашиш ҳоким ёрдамчиларининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди. Хусусан, маҳаллада ҳоким ёрдамчилари камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга шахсан масъул бўлиши кўрсатиб ўтилди.

Яқинда Мундиён маҳалласида иш бошлаган ҳоким ёрдамчиси, тажрибали иқтисодчи Олимжон Давронов хонадонларда хатлов ўтказиб, аҳолининг даромадини янада ошириш бўйича амалий ишларни бошлаб юборган.

— Хонадонларни иқтисодий аҳолига кўра, тоифаларга ажратиб, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш, кредит маблағлари ажратилиш бўйича кўмак бераймиз, — дейди О.Давронов. — Ишлаш истагида бўлган 105 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди. Жумладан, 42 нафар фуқаро доимий, 4 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди, 24 нафар фуқаро касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди. Улар ўз ишларини ташкил қилиб, оиласига даромад келтиряпти.

Маҳаллада жорий йилнинг шу давригача бевосита ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан 31 та кичик бизнес субъекти ташкил этилган. 41 нафар фуқарога 124 миллион сўм имтиёзли кредит, битта хонадонга иссиқхона қуриб берилган.

— Анчадан бери соғломлаштириш маркази очиш ниятида эдим, — дейди Алишер Рустамов. — Маҳалламизда ҳоким ёрдамчиси иш бошлагандан сўнг бунга имкон бўлди. Марказ фаолиятини йўлга қўйдим. Банк томонидан ажратилган кредит ҳисобидан зарур жиҳозларни олиб келдик.



— Фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири кам таъминланган аҳолига даромад олиши учун ер ажратилди, — дейди Олимжон Давронов. — Аммо маҳаллада бир қарич ҳам бўш ер йўқ. Яқинда йўл бўйидаги анҳор ёқалаб пиёда айландим. Фойдаланилмаётган бу жойда энгил конструкцияли савдо шохобчаларини ташкил қилиш мумкин, деб ўйладим. Мутасаддилар билан маслаҳатлашиб, шу режа асосида иш бошладик.

Ҳоким ёрдамчиларнинг ташаббуси билан мажкур каровис ер майдони аукционга чиқарилди. Ҳозир бу ерда 20 та савдо дўкони қуриляпти. Ушбу савдо шохобчалари фаолият бошлаши билан 60 дан ортиқ фуқаро иш билан таъминланади.

ҚОТИЛК СОДИР БЎЛГАН МАҲАЛЛАДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНЯТИ?

Президентимизнинг 2021 йил 29 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг 22 та устувор вазифалари белгилаб берилган. Хусусан, улар бириктирилган ҳудуддаги криминоген вазиятни мунтазам равишда ўрганиб бериши, ҳуқуқбузарликларни эрта аниқлаб, уларга барҳам бериши, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни белгилаган тартибда профилактика ҳисобга ва маъмурий назоратга олиши, жамоат тартибини сақлашга доир чора-тадбирларни амалга ошириши зарур.



Жорий йилнинг май ойида Каттакўрғон туманининг чекка ҳудудида жойлашган "Найман" маҳалла фуқаролар йиғинида мудҳиш жиноят содир этилди. Қўшни бўлиб яшовчи амаки-ваччалар ўртасидаги узоқ йиллик низо катта жанжалга айланиб, икки кишининг оғир тан жароҳати олиши, бир инсоннинг ўлими билан аяқуланди.

Бу вақтда профилактика инспектори, капитан Ўткир Аҳмедов туманининг "Ёви" маҳалла фуқаролар йиғинида хизмат вазифасини ўтаётган эди. Ҳайратли, асосийси, касбига садоқатли инспекторнинг сая-ҳаракатлари билан бир неча йил давомида ушбу маҳаллада бирорта жиноят содир этилмаган. Шу боис раҳбарият ҳудуддаги криминоген вазият бўйича "қизил" тоифага киритилган Найман маҳалласида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш вазифасини айнан унга ишониб топширди.

— Ишни хонадонма-хонадон юриб, фуқаролар билан танишиб, уларнинг кайфияти, оилалардаги ижтимоий вазиятни ўрганишдан бошладим, — дейди Ўткир Аҳмедов. — Тажрибамдан биламанки, айрим кишиларнинг жиноят содир этишига оддий маиший муаммолар, етишмовчилик ҳам сабаб бўлади. Ўрганиш ишлари давомида тўплаган маълумотлар асосида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда маҳаллани "Хавфсиз маҳалла"га айлантириш учун янги ҳамкорлик тизимини ташкил этиш бўйича Найман тажрибасини ишлаб чиқдик. Бу янги тизим фуқароларни қийнаётган ҳар бир масалага комплекс ёндашиб, яъни муаммонинг оқибати билан эмас, балки сабаби билан курашишни назарда тутди. Унда бешта кишлоқни ўз ичига олган Найман маҳалла фуқаролари жиноят содир этишга мойиллигига қараб, тоифаларга бўлиб чиқилган ҳамда ҳар бир тоифа билан алоҳида тартибда ишлаш йўлга қўйилган. Айни кунда ҳудудда ички ишлар органлари профилактика ҳисобидан турувчи фуқаролар 21 нафар, муқаддам судланганлар 8 нафар, жазони ижро этиш муассасасидан қайтганлар 3 нафарни ҳамда нотинч оилалар 19 тани ташкил этади. Эътиборлиси, бу рақамлар доимий равишда камайиб бормоқда. Бундан ташқари, ичкиликка ружу қўйган фуқароларни соғломлаштириш, ишсиз, кам таъминланган шахсларга доимий даромад манбаини яратиш оқлаги ҳам содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олди олинмоқда.

Янги инспектор фаолияти давомида ҳудудда бирорта жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этилмади. Бунга унинг яна бир "қилиғи" сабаб, десак, адашмаган бўламиз. Гап шундаки, инспектор маҳалла биносининг барча келиб-кетувчиларга кўринадиган жойида махсус деворий бурчак ташкил қилган. Унда яқин орада спиртли ичимлик истеъмол қилиб, жамоат тинчлини бузган, кечалари бемақсад юрган маҳалла фуқароларининг расми ва амалга оширган тартибузарлиги ҳақида маълумот жойланади. Табиийки, бу шаклда маҳаллага "танилиш"ни истамаган тартибузарлар юриш-туришини тўғрилайди ёки бунга уларнинг яқинлари кўмак беради.

— Жиноятчиликка қарши курашнинг Найман тажрибаси бугун бутун вилоятда татбиқ этилмоқда, — дейди туман ички ишлар бўлими жамоат хавфсизлиги хизмати ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими катта инспектори, капитан Бегзод Қиржигитов. — Шунингдек, туманда ҳар бир профилактика инспекторининг тасдиқланган кунлик иш режаси бор. Улар айни режа бўйича қилган ишлари юзасидан ҳар кун ҳисобот беради. Шунингдек, инспектор ойда бир мартаба маҳалла аҳли олдида ҳисобот бериши йўлга қўйилган.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг тегишли қарорига асосан, маҳалла фуқаролари профилактика инспекторларининг фаолиятини ҳисобот асосида баҳолаши мумкин. Бунда маҳалла раиси фуқаролар талабига мувофиқ хизмат вазифасини талаб даражасида бажармаётган профилактика инспекторини ишдан бўшатишни сўраб ИИБ бошлиғига тақдимиома киритиш ваколатига эга.

ОИЛАНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ УЧУН ЁЛҒОН ИШЛАТИШГА ҲАМ ТЎҒРИ КЕЛАДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 1 мартдаги "Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими янгидан жорий қилинди.

Ушбу фармонга асосан, маҳаллада хотин-қизлар фаолининг асосий вазифалари белгилаб берилди. Хусусан, хотин-қизларни оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар фаолиятига кредит, субсидия ва бошқа ёрдам чораларини жалб қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорлик қилиш, "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар билан манзилли ишларни амалга оширади.



— Фаолиятимни бошлаган пайтимида маҳаллада ажрим ёқасига келиб қолган 17 оила бор эди, — дейди Каттакўрғон туманидаги Боғот маҳалласи хотин-қизлар фаоли Нилуфар Ҳотимова. — Ишни шулардан бошладим. Ҳозир бу рўйхатда 3 оила қолган. Маҳаллада жамоатчилик асосида ташкил этилган яраштирув комиссияси билан бу оилаларни ҳам сақлаб қолиш устида ишляпмиз. Бу комиссияга отинийлар, нурунийлар ҳамда ибратли оила бошлиқларини жалб қилганмиз. Маҳаллада тўй ва маъракаларни илчамлаштириш бўйича тарғибот ишларини олиб бераймиз. Никох тўйидан олдин ҳар икки томон билан гаплашиб, ортқича харажатларни, турли керакқис маросимларни қилмаслик юзасидан тушунтириш бераймиз. Бугун кўпчиликнинг дилини хира қиладиган "удум" — қиз томоннинг мебель олиши шулардан бири. Бу муаммони йўқ қилиш учун аввало, маҳалла фаолларининг ўзи намуна кўрсатди. Ҳозир барча тўйларимизда меблини куёв тараф оляпти. Кўп оилавий тушунмовчиликларга шунга ўхшаш қимқили "удум"лар сабаб бўлиши сир эмас.

Маҳаллада хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш борасида яхши натижага эришилган. Бугунгача "Аёллар дафтари"га киритилган 82 нафар хотин-қизнинг 43 нафари иш билан таъминланган. Боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бор хотин-қизларга моддий ёрдам берилиб, 7 нафари касб-ҳунарга ўқитилган. Яқинда улар ўз ишини бошлаши учун зарур ускуналар олиб берилиши режалаштирилган.

Маҳалланинг хотин-қизлар фаоли бошқа масалаларда ҳам маҳалладошларига ўрнак бўлмоқда. Бугунгача "Аёллар дафтари"га киритилган 82 нафар хотин-қизнинг 43 нафари иш билан таъминланган. Боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бор хотин-қизларга моддий ёрдам берилиб, 7 нафари касб-ҳунарга ўқитилган. Яқинда улар ўз ишини бошлаши учун зарур ускуналар олиб берилиши режалаштирилган.

— Ўқиб, или олишининг эрта-кечи йўқ, — дейди Н.Ҳотимова. — Бу аслида бизга берилган катта имконият. Қолаверса, кейинги иш фаолиятимизнинг янада самарали бўлишига хизмат қилади. Ҳаётимни маҳалла билан болаганман. Шу боис олий таълимда ҳам ижтимоий йўналишда ўқиб, билимимни оширишга қарор қилдим.

"ЁШЛАР ДАФТАРИ"ДА ЁШЛАР ЙЎҚ

Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, "Ёшлар баланси"ни шакллантириш, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва

бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда спорт ва соғломлаштириш тадбирларини уюштириш каби ишлар ёшлар етакчисининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Каттакўрғон шаҳри марказидан тахминан 35 километр узоқликдаги Ингичка кўрғонида бешта маҳалла жойлашган. Ушбу маҳаллаларда ҳам ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилиб, ингичкалик ёшларнинг бўш вақтини мақсадли ўтказиш, иқтидорини рўёбга чиқариш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Каттакўрғон маҳалласи ёшлар етакчиси Меҳридин Раҳматов ана шундай масъулиятли вазифаларни бекам-кўст бажариб келаётган фаоллардан бири.

— Давлатимиз, халқимиз биз, ёшлар етакчиларига катта ишонч билдирди, — дейди Меҳридин Раҳматов. — Бу ишонччи оқлаш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз. Бу жараёнда бизга "Ёшлар баланси" платформаси жуда қўл келди. Сабаби, уни шакллантириш асосида маҳалланинг ҳар бир ёши билан танишиб, уларни қийнаётган муаммоларни ўрганиб, ким билан қандай ишлаш, биринчи қайси масалаларга эътибор қаратиш кераклигини тушундик. Натижада маҳалламиздан "Ёшлар дафтари"га киритилган 28 нафар фуқаронинг барчасини чиқаришга эришдик. Жумладан, 4 нафар талабага шартнома тўловининг 50 фоизи тўлаб берилди, 1 нафар ёшнинг кран бошқарувчилик бўйича ўқув курсида ўқиш харажатлари қўллаб берилди, 12 нафарига эса ўзини ўзи банд қилиши учун зарур асбоб-ускуналар ажратилди. Тижорат банкларидан кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаган ёшларимиз ҳам кўп.

Шу маҳаллада яшовчи Шухрат Холиқов ҳам бир муддат олдин ишсиз ёшлар сафида эди. Ёшлар етакчисининг маслаҳатига амал қилган Шухрат банкдан 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, худудининг энг оғир бўлган — ичимлик суви муаммосига эҳтимо топди.

— Кўрғонимизда ичимлик суви муаммо, — дейди Ш.Холиқов. — Маҳалларимиз тошлоқ ҳудудда жойлашганлиги сабабли артезиан қудуқ қавлаб бўлмади. Ернинг нисбатан юза қисмидаги сув эса ичишга яроқсиз. Шу боис кўрғонга ичимлик суви юк машиналарида олиб келиниб, сотилади. Мен кредит маблағига суви фойдаланиш ускунасини харид қилдим. Энди аҳолига шу ернинг ўзида сувини тозалаб сотаяпмиз. Бу сув халқимизга анча арзонга тушади. Шу кунларда кўрғонимиздаги барча



маҳаллаларга тоза ичимлик суви етказиб беришни йўлга қўйганмиз.

Маҳалла ёшлари турли кўрик-танлов ва спорт мусобақаларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Жумладан, улар Ёшлар фестивали доирасида ўтказилган "Заковат" интеллектуал ўйини ҳамда ўғил болалар ўртасидаги мини футбол мусобақасининг Каттакўрғон шаҳар босқичида иккинчи, волейбол мусобақасининг вилоят босқичида учинчи, стритбол мусобақасининг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаб, республикада ҳам муносиб иштирок этиб қайтишди.

— Маҳалламизда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил 3 нафар ёшлар бор эди, — дейди Меҳридин Раҳматов. — Бугун улар ҳам ўз иқтидорини кўрсатишга, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб қолишга интиляпти. Ҳатто улардан бири фаол ёшлардан иборат "Қалқон" гуруҳига аъзо бўлди. Энди у ҳудудда осойишталикни таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

Сулаймон МАРДИЕВ, Асқар БАРОТОВ, "Зарафшон" муҳбирлари.

Амир Темурдан мерос қолган анжирзорлар,

күёш панеллари ёрдамида суғорилаётган

боғлар, водий тажрибаси асосидаги узумзорлар

“Ўзгагроинспекция”нинг вилоят бошқармаси томонидан ташкил этилган пресс-турда журналист ва блогерлар Самарқанд қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ана шундай янги лойиҳалар билан таништирилди.

Дастлаб Самарқанд шаҳридаги Боғибаланд маҳалласида жойлашган анжирзор хўжаликларида бўлди.

Бу ерда жами 53 гектар анжирзор фуқароларга бўлиб берилган ва улар оилавий пудрат шартномаси асосида меҳнат қилишади. Вилоятимизнинг Иштихон, Оқдарё, Жомбой, Пайарик туманларида ҳам анжирзорлар мавжуд. Бироқ таъм, маза борасида Боғимайдон анжирзорига тенг келмайди. Бунинг сабаби нимада?

Айтишларича, Амир Темур бобомиз Чўпон ота худудидаги ерларда боғлар, хусусан, анжирзорлар ташкил этган, лекин шу атрофдаги боғлар ичиде Боғибаландда анжир яхши ҳосил берган, - дейди боғбон Абдуҳалим Рашидов. - Сабаби, бу ердан 1 километр наридан Зарафшон

дарёси оқиб ўтади, худуд баландада жойлашган, ҳавоси тоза, анжир тоза жойда яхши ривожланади. Июлдан октябрь ойигача пишадиған анжирзорга кейинги пайтда хорижликлар ҳам катта қизиқиш билдиришмоқда. Балки шундан Боғибаланд анжирзорлари туристик йўналишлар қаторидан жой эгалламоқда.

Кейинги манзилимиз Жомбой туманидаги “Оҳалик олтин боғлари” масъулияти чекланган жамиятига қарашли далалар бўлди. Туманда жамият тасарруфидаги 900 гектар майдоннинг сув чиқариш мушкул бўлган 100 гектариде кўчатчилик хўжалиги бор. Бу ерда жамият томонидан 2017 йилда Хитойда ишлаб чиқарилган күёш панели ёрдамида 100 гектардан ортиқ майдон томчилатиб суғорилади. 220 дона күёш панеллари ёрдамида бир кунда 35 гектаргача майдонни суғориш имконини берадиган электр энергияси ишлаб чиқилади.

Тумандаги яна бир янгилик ёндашув - Фаргона водийси услубида узумзорлар ташкил этиши. Жомбойлик боғбонлар бундан самарали фойдаланмоқда. “Гулнигор нури даласи” фермер хўжалигида 2012 йилда ишқом усулида тоқзор



яратилганди. Орадан 5 йил ўтиб, 3 гектар майдондаги күчатлар тўлиқ ҳосилга кирди. Меҳнати маҳсулидан илҳомланган фермер Олим Маматкулов яна 5 гектар майдонда шундай узумзор ташкил этди. Бу боғларда токка ишлов бериш, маҳсулотни йиғиштириб олиш осон. Ҳозирда гектаридан 30 тоннагача олинаётган узум асосан, ички бозорга йўналтирилмоқда.

Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ, Бахтиёр МУСТАНОВ олган сурат.

➤ Менинг Конституциям – менинг келажғим!

Мамлакатимизда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг муҳокамаси давом этмоқда. Эътиборлиси, Бош қомусимизга киритилаётган ҳар бир янгилик халқимизнинг иродаси, истак ва хоҳишини ифода этиб, ҳуқуқларини янада кенгайтиришга қаратилган.

Меҳнатга адолатли ҳақ тўланиши кафолатланади

Жумладан, лойиҳада Конституциянинг 37-моддасини қуйидаги тахрирда белгилаш назарда тутилмоқда: “Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шартнолариде ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситилишларсиз ва белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг ўзи ва оиласи яшashi учун етарли бўлиши керак.

Ҳомилдорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш, иш ҳақини камайтириш тақиқланади.

Ҳар бир ишловчи аёл ҳомилдор бўлган тақдирда ва туғиш даврида ҳақ тўланадиган таътилга ҳамда янги туғилган чақалоқни парвариш қилиш учун таътилга ёки болани фарзандликка олиш учун таътилга чиқиш ҳуқуқига эга.

Жазони суднинг ҳукмига кўра ўташ тартибидан бошқача тартибдаги мажбурий меҳнат ёки қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардаги мажбурий меҳнат тақиқланади.

Мажбурий меҳнатдан ва болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларида фойдаланиш тақиқланади ҳамда бу қонунга

кўра жавобгарликка сабаб бўлади”.

Маълумки, амалдаги моддада фақат фуқароларнинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартнолариде ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқини белгиланган. Янги тахрирда эса меҳнат муносабатларида юзага келаётган асосий муаммолар ҳам қамраб олинди, бу борадаги муносабатларнинг ҳуқуқий ечимлари аниқ қилиб белгилаб қўйилмоқда.

Шу билан бирга, унда аёлларни ҳомилдорлиги ёки боласи борлиги сабабли ишга қабул қилишни рад этиш ёки ишдан бўшатиш, иш ҳақини камайтириш ҳам тақиқланади. Бу эса аёлларнинг ишга жойлашиш билан боғлиқ асосий муаммосига чек қўйиб, уларнинг давлат томонидан белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлардан тўлақонли, ҳеч бир тўсиқларсиз фойдаланиши таъминлади.

Конституциявий ислохотлар халқимизнинг барча соҳадаги ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган муҳим жараён ҳисобланади. Шу боис унда барчамиз фаол иштирок этишимиз ва ўз тақдир ва муносабатимизни билдириш орқали фуқаролик бурчимизни бажаришимиз лозим.

Отабек МАЖИДОВ, Самарқанд тумани адлия бўлими давлат хизматлари маркази бош мутахассиси.

➤ Сўранг, жавоб берамиз

Касбга ўқиганнинг харажати қопланади

- Тадбиркорлик, касб-ҳунар, ҳайдовчилик ва қайта тайёрлов курсларида ўқитиш харажатлари қайси манба ҳисобидан қопланади?

- Нодавлат касб-ҳунарга ўқитиш марказларига “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни тадбиркорликка ва касб-ҳунарга ўқитиш учун сарфланган харажатларнинг 75 фоизигача қисми “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

Бунда, ёшларни тадбиркорликка ўқитиш харажатларининг ҳар бир битирувчига БҲМнинг 4 бараваридан ортиқ бўлмаган қисми, касб-ҳунарга ва ҳайдовчилик курсларида ўқитиш учун сарфланган харажатлар тегишлича БҲМнинг 4, 8, 12 бараваридан кўп бўлмаган қисми қоплаб берилади.

- Уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун субсидия қай тартибда ажратилади?

Томорқа ер эгаси бўлган ёки “Ҳар бир ёшга — бир гектар” тамойили асосида иккиламчи ижара ҳуқуқи асосида экин майдонлари ажратиб берилган ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун БҲМнинг 8 бараваригача миқдорда маблағ Васийлик кенгаши қарорига мувофиқ тўлаб берилади.

Саволларга вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Ориф МУҲАММАДИЕВ жавоб берди.

Бу ҳақда вилоят бандлик бош бошқармаси томонидан касб-ҳунарга ўқитиш марказлари фаолияти билан танишиш мақсадида журналист ва блогерлар иштирокида ташкил этилган пресс-турда маълум қилинди.

Дастлаб бошқарма бошлиғи Нажмиддин Сулаймонов жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда касб-ҳунарга ўқитиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берди.

Вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида “Ишга марҳамат” мономаркази, 5 та касб-ҳунарга ўқитиш маркази шунингдек, вилоятда ташкил этилган 90 та касб-ҳунарга ўқитиш марказлари 5644 нафар ишсиз фуқаро жалб қилинди, - деди Н.Сулаймонов. - Фуқаролар 40 га яқин касб бўйича уч ойдан олти ойгача бўлган муддатда ўқув курсларида тахсил олмақда ва курсни муваффақиятли тугатганларга мутахассислиги бўйича сертификат топшириляпти. Бугунги кунга қадар

Самарқандда жорий йилнинг ўтган даврида 5600 нафардан зиёд фуқаро касб-ҳунарга жалб қилинган

1429 нафар фуқаро курсларни муваффақиятли тугатди ва 1214 нафарининг бандлиги таъминланди. Ҳозирда ўқув марказларида 3600 нафарга яқин фуқаро ўқишни давом эттирмоқда.

Пресс-тур иштирокчилари Иштихон туманидаги касб-ҳунарга ўқитиш маркази фаолияти билан танишди.

Марказ ўтган йил ташкил этилган бўлиб, шу кунга қадар тикувчилик, ошпаз-қандолатчи, электромонтёр, электрогаз пайвандчи, сантехника ишлари устаси касблари бўйича 324 нафар фуқаро курсни муваффақиятли тугатган.

- Айна пайтда 116 нафар фуқаро касб сирларини ўрганмоқда, - дейди Иштихон касб-ҳунарга ўқитиш маркази директори Жамшид Расулов. - Марказ қошида туманимизда 6 та, Оқдарёда

5 та, Кўшрабодта 7 та ва Пайарикда 6 та маҳалла фуқаролар йиғинларида тикувчилик, ошпаз-қандолатчи, аёллар ва эркеклар сартарошлиғи бўйича масканлар ташкил этилган. Ҳозирги кунда ўқув марказини тугатган фуқаролардан 31 нафари яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган, 27 нафари давлат ва хусусий корхоналарга ишга жойлашган, 19 нафари хорихга юборилган, 47 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган.

Кейинги манзилимиз Кўшрабод тумани маҳаллаларидаги ўқув масканлари бўлди.

Туманда жорий йилнинг шу даврига қадар 3400 нафар ишсиз фуқарога бандлик хизматлари кўрсатилиб, улардан 653 нафари ишга жойлаштирилган, 245 нафар фуқаро жамоат

да одам ўлдириш жинояти учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, бунинг учун ҳатто умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин.

“Ўлим жазоси тақиқланади,” деган жумланинг Конституцияга киритилиши айрим оғир жиноятларнинг, хусусан, коррупцион жиноятларнинг олдини олиш мақсадида ўлим жазосини тиклаш керак деган баъзи назарий қарашларга узил-кесил чек қўйиб билан бирга, шахсининг яшаш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилиниши ҳамда инсонпарварлик тамойилларининг Конституцияда яна бир бор мустаҳкамланаётганлигини аналтади.

Зубаидилло МИРМАХМУДОВ, Ургут тумани адлия бўлими давлат хизматлари маркази бўлим бошлиғи.

Бугунги кунда Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали, Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали ҳамда Ҳиндистон механика ва инженерлик-муҳандислик илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида “Ўсимликлар ҳимояси ва автоматик суғориш тизимига асосланган тупроқлар мониторингида илғор рақамли технологиялардан фойдаланиш” мавзусидаги халқаро илмий лойиҳа амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда рақамли технологиялардан фойдаланилади

Лойиҳанинг мақсади деҳқон ва фермер хўжаликлари учун автоматик суғориш тизимига тупроқ хусусиятларини таҳлил қилиш ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилишда IoT технологияларига асосланган мобил дастури ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳисобланади.

Мутахассислар Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма лойиҳаси доирасида яратилган ўсимликлар ҳимояси ва автоматик суғориш тизимига асосланган тупроқлар мониторингида илғор рақамли технологиялардан фойдаланиш тизими орқали экин етиштириш бўйича маҳаллий интеллектуал ахборот-таҳлил тизими синовдан ўтказди. Хусусан, мазкур тизим қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликларига маълум бир дала майдонни эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, ўғитлардан оқилонга фойдаланиш ҳамда автоматик суғориш тизимига ўтиш ва далани масофадан бошқариш имконини бермоқда. Тупроқнинг кимёвий таҳлили маълумотлари асосида қишлоқ хўжалиги ерларининг рақамли харитаси тузилади.

Тупроқнинг ҳолатини инобатга олган ҳолда, фермерларга экинларни оптимал экиш, ўғит миқдори ва тури, ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича тавсиялар берилмоқда. Буларнинг барчасини фермерлар ва деҳқонлар шахсий кабинетда веб-интерфейс ёки мобил илова орқали бошқариши мумкин. Тизим томонидан яратилган барча дала журналлари ва тавсиялар шу платформада акс этади ва мобил қурилмадаги билдиришномалар муайян ишларнинг бажарилиши-

ни вақтида эслатиб туради. Ҳозирги вақтга қадар лойиҳа бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Самарқанд вилоятининг илғор фермер хўжаликлари ва кластерлари тажрибаси ўрганилди. Модел дала танланди ва “Ақлли суғориш тизими”ни жорий этиш учун 100 миллион сўмлик томчилатиб суғориш тизими асбоб-ускуналари харид қилиниб, 6 гектар майдонда ўрнатилди ва мевали боғ барпо қилинди. Лойиҳа иштирокчилардан 3 нафари Ҳиндистоннинг CSIR (Central Mechanical Engineering Research Institute) илмий-тадқиқот институтида хизмат сафарида бўлиб қайтишди.

Тадқиқотчилар лойиҳанинг фаолият жараёнида маълумотлар базасини йиғиш, тупроқ таркибини ўрганиш, катта майдонларда қўллаш усуллари, шунингдек, автоматик суғориш тизимини лаборатория шартноларида ўрганиб, синовдан ўтказди. Ҳозирда тадқиқотлар Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали ахборот-маслаҳат маркази тажриба майдонларида помидор ҳамда қалампир экинларида синовдан ўтказилмоқда ва дастурнинг алгоритми ишлаб чиқилмоқда.

Лойиҳани тўлиқ амалга ошириш натижасида автоматик суғориш тизимига тупроқ хусусиятларини таҳлил қилиш ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилишда IoT технологияларига асосланган алгоритмлар ишлаб чиқилади.

Салоҳиддин ФАЗЛИЕВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали бўлим бошлиғи.

марҳум Худайкулов Махмудга (2019 йил 14 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳақимова Игора Ҳикматовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Нодирабегим кўчаси.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...
Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматкулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Камалов Маматқаримга (2014 йил 19 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматкулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

веч номига берилган рўйхат рақами 250, В № 118061 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Сиеб қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-ҳунар коллежидан 2009 йилда Султанова Гавхар Хусеновна номига берилган рўйхат рақами 894, К № 1275897 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом қурилиш технологиялари касб-ҳунар коллежидан 2019 йилда Заерова Лайло Шахобидин қизи номига берилган К № 359781 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат тиббиёт университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси университет дипломдан кейинги таълим факультети умумий амалиёт ва оилавий медицина кафедраси собик ассистенти

Саъдулло ЛАПАСОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

➤ Бугуннинг гаши

Хаётни кузатсак, одамларнинг ризқ топиш илнжиди тўрт томонга елиб-югурганига гувоҳ бўламиз. Рўзгор тебратиш, бола-чақа боқилиши ўзи бўлмайди, албатта. Бу йўлда кимдир ёлгон гапириб молини сотса, яна кимдир мижоз талашиб, ҳамкасби билан жиққа-мушт бўлади.

РИЗҚНИ ҚАНДАЙ ТУШУНАСИЗ?

Аслида, биз ризқ ҳақида кам билимга эгамиз. Шунинг учун ҳам ризқ топишда нималарга амал қилишни билмаймиз. Имом Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Раҳимовий ризқ ҳақида шундай дейди: "Ризқ бу сизга фойдаси теккан нарсанидир, сиз эришган нарса эмас. Ҳоҳида сиз кўп мол топасиз, лекин инфоқ-эхсон қилмайсиз, ундан фойдаланмайсиз ҳам. Бу нарса сизнинг ризқингиз эмас, балки ўзганингиз ризқидир. Сиз фақат уни сақлаб ва асраб бергувчисиз. Ундан бирор чакани ҳам инфоқ қилмай, бошқага етказиб берувчисиз, холос".

Ислоҳ динида касб-хунар ортидан топилган молдан садақа бериб туриш кераклиги айтилган. Баъзилар муҳтожларга садақа берса, пулим камайиб қолади, деб тушунади. Аксинча, садақа бериб турган кишининг даромади борака берилади. Урини фақат мол тўплаш билан ўтказиб қилишларнинг ҳаётига боқсангиз, доим қарздан боши чиқмай юрганини кўрасиз. Катта-катта фирмалари, савдо дўконлари, ҳатто заводлари бор баъзи кишиларнинг банклардан катта кредит қарзи бўлади. Аммо четдан қараганлар уларни ташвиши йўқ, бой деб билади.

Қўли очикнинг йўли очик

Ҳар кун ишга тақсиди катнаганим боис ҳайдовчилар мисолида одамлардаги ризқ топишга бўлган ҳаракатни кузатяпман. Кўпинча эрталаб бир йигит машинасида келиб, бир зумда бекатдаги одамларни олиб кетади. Холбуки, бекатда уч-тўрт машина одам тўлдирилмай турган бўлади. Мен ҳам бир неча марта ўша йигитнинг машинасида ишга келдим. Табиатан очикқўнғил, ҳазил-хузул гаплар билан одамни ўзига жалб қилиб оладиган бу ҳайдовчи манзилнингизга етганингизча зериктирмайди.

Аллоҳга шукр, ҳар кун ишни шу бекатдан одам олишдан бошлайман, бир пасда машинам тўлади, - дейди у. - Мен бошқа ҳайдовчилардек йўлқира нархини бўланд айтмайман. Шаҳар ичида узоқ-яқинига қарамасдан, 5 минг сўм эвазига хизмат қилаверман. Шунинг учунми, йўл-йўлакай ҳам машинамга тимимсиз йўловчи минади.

Қўли очикнинг йўли очик, дегани шу бўлса керак. Йигитнинг айтишига қараганда, тақсидчи ортидан бемалол оиласини тебратяпти, топганида барака бор. Бирок баъзида топгани ўзига етмаётган тақсидчиларни ҳам учратиб қоламиз. Бир кун шундай ҳайдовчилардан бирига дуч келдим.

Ун минг сўм бўлади, - деди тақсидчи манзилни эшитган. Масофа унча узоқ бўлмасда-да, шошайтганим боис машинага ўтирдим. - Эртдан кечгача такси қиламан, аммо бирим икки бўлмайди.

Одатда ноилган эркак кишига тоқатим йўқлиги боис, "Илтимос, ноилмай кетин", деб танбех бердим. Шу орада

мени кутаётган киши борадиган манзил ўзгарганини айтди. Аммо оралик масофа бир километр ҳам чиқмасди. Таксичи: "Яна беш минг сўм қўшасиз", деб туриб олди. Кайфиятимни бузмаслик учун ҳайдовчи билан тортишиб ўтирмадим. Унга ўн беш минг сўм бериб, таксидан тушдим ва нима учун топгани ўзига етмаётганини тушундим. Унинг биринчи хатоси Аллоҳ берган ризққа норозилигида бўлса, иккинчи хатоси мижозни норози қилиб, пул олаётганида.

Яқинда янаям хасис тақсидчининг машинасига ўтирдим. Бу сафар ҳақиқатда манзил узоқ эди. Шу сабабли ўн минг сўмга рози бўлдим. Машинада яна бир йигит бор эди. Уларнинг ўзаро гапидан йўловчи йигит ҳам ҳайдовчи эканини тушундим. Улар ўзаро даромад ҳақида сўхатлашарди.

- Мен ойига 6 миллион сўм тўплаяман, - деди ҳайдовчи. - Ҳар кун топган пулимни ҳеч қаерга ишлатмасдан, унга олиб бораман. Ҳатто рўзгор учун хотинимга ҳам пул бермайман. Агар у бирор нарса керак, пул беринг деса, дадамдан ол дейман. Машинамга ҳам йўловчиларни ўн мингдан камига миндирмайман. Масофа жуда яқин бўлса, беш минг сўмдан олишим мумкин.

Ҳайдовчининг ушбу гапларидан сўнг автомашина ичига разм солдим. Зиқналигидан машинанинг ичи тўкилиб бўлган, сал нотекис жойдан юрса, шақрилда кетяпти. Аммо йўлқира нархи ўн минг сўм эмиш. Бу йигит муҳтожларга садақа бериш у ёқда турсин, ҳатто топганини оиласига ҳам сарфламас экан. Билмайдик, кези келса, ўша зиқналик билан йиққан пули бир кунда сарф бўлиб кетишини.

Бой бўлиш сирини нимада?

Ҳаётда омадли инсонларга ҳамма ҳавас қилади, уларнинг қандай бойигани ҳақида оммавий ахборот воситаларида мақолалар чоп этилади. Ушбу мақолалар турли тилларга таржима қилиниб, оммавий ўқилади. Сабаби, ҳамма бой бўлишга, яхши яшашга интилади. Бой бўлишнинг биринчи шarti ота-она розилигини, уларнинг дуосини олишдан иборат. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз азалдан ота-онанинг ҳурматини жойига қўйган. Қариғанда Ғарб давлатларидаги одамлардек ёлғиз ўзини бир уйда қолдириб, хотини, болалари билан алоҳида чиқиб кетмаган. Ушбу аънаа асрлар давомида бизгача етиб келди ва давом этмоқда.

Ғарб давлатларидаги одамларнинг ойлик маоши бизникидан анча баланд, ҳатто уларнинг бир ойда топадиган пулини биз бир йилда ҳам топа олмаيمиз. Аммо уларнинг кўпчилиги ижара уйларида яшайди. Бизда эса озгина маош билан ҳам одамлар уй-жойли бўлишади. Узоққа бормаилек, Россияда қариялар ёлғиз яшайди. Фарзандлари оила қургач, ҳатто

ижарага бўлса ҳам ота-онанинг уйдан чиқиб кетади.

Дунёга машҳур футболчи Криштиану Роналду онаси билан истикомат қилади. Унинг машҳурлигини сири ҳам ана шунда. Ғарб журналистлари футболчига "Нега онангиз билан яшасиз?", деб савол беришган. У футбол оламига кириб келишида ота-онаси унга ёшлигидан мадад бўлгани, ҳатто жуда камбағал бўлса-да, Криштиануга онаси қиммат пойабзал сотиб олиб бергани, шунинг учун ҳам онасини ёлғиз қолдирмаслигини айтган.

ОТА-ОНА ДУОСИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Кунларнинг бирида роса тўкилиб қолган эски таксига чиқдим. Ҳайдовчи "Воқеа" сурасини эшитиб кетаётган экан. Ёнидаги йигит: "Ака, "Воқеа" сурасининг фазилатини биласизми?" деб сўради. Ҳайдовчи бош иргиди ва "Воқеа" сураси камбағалликдан қутқаради, уни ҳар кун кечқурун ўқиган киши ҳечам муҳтожлик кўрмас экан. Шунинг учун ушбу сурани ҳар кун эшитиб ёдлаяпман. Тўла ёд олишимга озроқ қолди, аммо негадир ҳалиям ишим юришмаяпти", деди. Чидаб туролмасдан, гапга қўшилдим: "Ота-онангизни рози қилганмисиз?". Ҳайдовчи бироз ўйланиб, "ҳа", деб жавоб берди. Унинг бу жавоби "Нима эди?" дегандек туюлди. Ризқдаги бараканинг шартларидан бири ота-онани рози қилиш эканини айтдим. Назаримда ҳайдовчи ўз хатосини тушуниб етди.

РИЗҚ АВВАЛДАН ЁЗИЛГАНМИ?

Ҳадисларда ризқ Аллоҳ томонидан берилиши, ҳар бир инсоннинг ризқи она қорнидаёқ ёзиб қўйилиши айтилган. Шунинг учун ҳам инсонлар ризқини кўпайтира олмайдилар, аммо баракали қила олади, дейишади. Ризқдаги бараканинг яна бир шarti ҳалолликда. Ҳалол меҳнат ортидан топилган ризқ баракали бўлади. Аксинча, ҳаром йўл билан топилган бойликда барака бўлмайди.

Яқинда бир манбада ўқиб қолдим, бизнинг ота-боболаримиз ҳалолликка шунчалик эътибор берганки, ҳатто бетаҳорат пиширилган таомни истеъмол қилмас экан. Шунинг учун ҳам Урта Осиёдан улғу алломалар - Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Аъзам, Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино, Берунийлар дунёга келган.

Бировнинг ризқини бошқа биров ололмайдилар. "Қарвон кўп, ризқи бўлак", деб шунга айтишган. Ризқингиз баракали бўлишини истасангиз, аввало, ота-онангиз дуосини олинг. Сўнгра ёлғон аралаштирмасдан, бирова зулм қилмасдан, ҳалоллик билан касбингизни астойдил адо этинг. Топишингиз кам бўлса ҳам Аллоҳ баракасини берида.


Хуршида ЭРНАЗАРОВА.

➤ Ёнимиздаги одамлар

Олқишга эришган оққунгил одам

Таниқли нейрохирург Раббана Йўлдошев сийратига чизгилар

Олқиш олган омондир, деган ҳикмат замирида оламча маъно бор. Бунга сазовор бўлиш эса осонмас... Бунинг учун инсон аввало, шунга муносиб бўлиши, ўз касбининг устаси бўлиб, эл қорига яраши зарур.



Кам эмас, 55 йил эгнида оқ халат билан инсон саломатлигини асраш учун хизмат қилаётган шифокор Раббана Йўлдошев фаолиятини ўзимизча сарҳисоб қилишга уриндик. Ҳар кун ирталаб битта беморни (баъзи кунлари кўпроқ) ҳаётга қайтаришга муваффақ бўлган бўлса, бир йилда 360 дан ортиқ оилага бахт ва қувонч улашган бўлмайми?! Энди бу рақамни 55 йилга кўпайтирсак-чи? Қандай улкан сон келиб чиқади-я! Эҳтимол, ундан ҳам кўпроқдир. Ҳа, кўп бўлса кўпдирки, асло кам эмас!

Ортада қолган йиллар мобайнида бу жонфидо шифокордан дардига даво истаб, муродига етганларнинг оила аъзолари, қариндошлари билан кўшиб ҳисобласак-чи?! Ярим асрдан зиёд давр ана шундай мураккаб вазифанинг урдасидан чиқа олган инсонгина одамлар олқишига сазовор бўлади.

Кўпчиликда учраб турадиган қон босими бора-бора инсульта олиб келишини кўпчилик яхши билади. Нозикдан нозик бош миёда бошқа касалликлар ҳам учраб туриши бор гап. Булардан ташқари, туфра бахтсиз ҳолатлар туфайли бош суяги синиб кетши, шикастланиши ҳеч гапмас. Бундай пайтда ўша инсонда жарроҳлик операцияси ўтказишга тўғри келади...

Беморларнинг бир қисми шифохонага ўз оёғи билан кириб келса, анча-мунчасининг ортидан боришга тўғри келарди. Натijaда Ўзбекистондан ташқари, қўшни Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон Республикаларида ҳам кўплаб оилалар қалбидан чуқур жой олган.

Замонамиз қаҳрамонларидан бири Раббана Йўлдошев даволлаш ишларидан ажралмаган ҳолда илмий изланишларини изчил давом эттирди. Шу аснода у тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали нейрохирург, Ўзбекистон Нейрохирурглар ассоциацияси аъзоси каби шарафли номга сазовор бўлди.

Бугун касон ёшни қарши олаётган Раббана Йўлдошев 1942 йил 28 июль кун Иштихон туманидаги Таллак қишлоғида таваллуд топди. Отаси Йўлдош Сувонов ва онаси Болқоной Эшмаматова зиёли инсонлар эди. Улар ўз даврининг илгор кишилари сифатида қишлоқ аҳлини ҳаммаша маърифатга чорлаб келган. Фарзандларининг олий маълумотга эга бўлиши учун қанчалик интиланганларини изоҳлашга ҳоҷат бўлмаса керак...

Раббана 1958 йилда тумандаги Шейхлар қишлоғидаги 4-ўрта мактабни аъло баҳоларга тамомлагач, бир неча йил жамоа хўжалигида ёшлар бригадасида етакчилик қилди. Сўнгра Самарқанд давлат

ИЛК МЕДАЛЬ - ИЛК ҲАЯЖОН

Суратда: вилоят ДМТТлари ўртасида бўлиб ўтган спортнинг таэквондо тури бўйича мусобақада биринчи ўринни қўлга киритган Булунғур туманидаги 9-давлат мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиси.

Раббани ҲОТАМОВ.



Булунғурлик депутатлар "Сенат раиси кубоги" финалида



Самарқандда Олий Мажлис Сенати раиси кубоги учун "Парламент ўйинлари" спорт мусобақасининг иккинчи минтақавий босқичи бўлиб ўтди.

Унда халқ депутатлари Самарқанд, Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари спортнинг мини-футбол ва бадминтон турлари бўйича беллашди.

Мини-футбол бўйича ўтказилган баҳсда навоийлик депутатлар жамоаси бухоролик депутатларни 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлса, Булунғур тумани депутатлари навоийликлар устидан 5:3 ҳисобида устун келиб, минтақавий босқич ғолиблигини қўлга киритди.

Икки йилдан буён ўтказилаётган мазкур мусобақа соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиш ва депутатлар орасида кучлиларни анжашада қўл

келмоқда, - дейди Булунғур тумани Кенгаши депутати Шароф Маматқулов. - Ўтган йил мазкур мусобақанинг республика босқичида мини-футбол бўйича учинчи ўринни қўлга киритгандик. Бу йил чемпионлик учун курашамиз.

Иккинчи ўрин Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани депутати Дилобар Жумаевага, учинчи ўрин Каттақўрғон тумани депутати Нигора Шодиевага насиб этди.

Мусобақанинг минтақавий босқичида ғолиб бўлган жамоалар ва яққалик баҳсида биринчиларни қўлга киритган иштирокчилар республика босқичига йўлланма олди.

Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ.



MATBUOT UYI
Zarafshon
С АМАРҚАНДСКИЙ
В ЕСТНИК

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 458 nusxada chop etildi. Buyurtma 478. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

Navbatchi muharrir:

A.SHERXOLOV.

Navbatchi:

X.ERNAZAROVA.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda